



## Кутайба ибн Муслимнинг ўлдирилиши



715 йили халифа Валид вафот этиб, ўрнига укаси Сулаймон халифа бўлди. Кутайба Сулаймоннинг ўрнига Валид ибн Абдулмаликнинг ўгли Абдулазизни валиахд филиш тарафдори эди. Шунинг учун янги халифа Хуросон волийлигидан ўзини четлаштириши мумкинлигини тахмин килди. Шундай бўлса-да, Кутайба Сулаймонни халифалик билан табриклаб мактуб ёзди. Халифа Сулаймон Кутайбани мансабидан четлаштирмади, лекин Хажжожнинг буйруги билан камокка олинган барча махбусларни озод этишни ва кўшинга қайтишни истаганларга қайтиб келишга рухсат беришни буюрди. Одамлар шундай буйрукни кутиб юрган эдилар.

Кутайба халифанинг буйругига бўйсунитишни истамади ва одамларни Сулаймонни тахтдан агдаришга чакирди, лекин ҳеч ким унинг бу ишини қўллаб-қувватламади. Шунда Кутайбанинг газаби келиб, ҳар бир қабилани итоатсизлик қилганлиги учун ҳақорат қилди. Қабил бошликлари Кутайбадан газабландилар. Кутайба бунинг учун улардан узр сўради ва “Мен газабланган эдим ва нима деганимни ўзим билмадим. Мен сизларга факат яхшилик қилишни истар эдим” деди. Одамлар ўзаро суҳбатлашиб: “Агар бизга кўшинга қайтишга рухсат берса, унинг ўзига яхши бўлади, агар ундай қилмаса, факат ўзини айбласин” дедилар.

Кутайбанинг қулогига бу гаплар етиб борди ва у одамларга хитоб қилиб, ўзининг уларга қилган яхшиликларини санаб ўтди ва уларнинг вафо қилмаганлигини ҳамда қарши чиққанлигини қоралади. Кутайба араб аскарларини аҳамларнинг ёрдамга қилиши билан қўрқитди. Шундан сўнг боҳилий қабиласидан бошқа қабил аъзолари Кутайбага қарши уруш қилишга қилишдилар. Уларга тамим қабиласининг сардори Ваки ибн Хассон бошчилик қилди.

Кутайбанинг душманлари алоҳида қўшин туздилар. Қўшинга айрим аҳам қабилалари ҳам

кўшилдилар. Бирлашган кўшин 715 йил августда Кутайбанинг қароргоҳига ҳужум қилди. Уни ғажат боҳилий қабиласи аъзолари ва ҳос соқчилар гуруҳи ҳимоя қилди. Бироқ улар мағлубиятга учрашди. Натижада Кутайба ва унинг 11 га яқин қариндошлари қатл этилди. Бугунги кунда Кутайбанинг қабри Андижон вилояти Ғалақудуқ тумани Пахтакор қишлоғида жойлашган.

Шундай қилиб, Кутайба ибн Муслимнинг 705-715 йиллар давомида Мовароуннаҳрда олиб борган ғажат юришлари натижасида ғарбда Каспий дёнғизи, шарқда шарқий Туркистон, шимолда Сирдарё ва Орол дёнғизигача бўлган ерлар эгалланди. Бу ҳудудлар Хуросон ноиб томонидан тайинланган амирлар томонидан идора қилинар эди.

С.Умматалиевнинг

"Ислом тарихидан олтин саҳифалар" китобидан